



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 1 сентябр, чоршанба № 143 (1776)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистонимиз - она Ватанимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар қулоғига қўрғошиндай қўйиб олсин. Биз қўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни албатта қурагимиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди.

ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Бугун - юртимизда муборак айём, тарихий сана -Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқлолга эришган кун.
Сиз, азиз юртдошларимни, сизларнинг сиймонгизда гўзал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу кутлуғ айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Бугун мустақил давлатимиз, озод мамлакатимиз яна бир ёшга улғаймоқда. Биз ўз олдимишга қўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам қўйдик.

Биз бугун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб кунларни, хавфу хатар, қийинчилик ва машаққатларни, шу билан бирга, қўлга киритган ютуқ ва марраларимизни хавлимиздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.

Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимиз, юртимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётган;
Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интилган коммуникациялар, автомобил ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан ташминлайдиган янги, замонавий корхоналар барпо этилган;
тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тиклангани, баркамол авлоднинг воёга етаётгани ва шу каби эртага тарихга қирадиган улкан дастур ва тадбирларимиз

буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлнинг, келажаги буюк давлатнинг асосий мезони ва амалий белгиси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун иқтисодий таълимнинг барқарор суръатлар билан ривожланиётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуния этказиши шубҳасиз.

Бундай ютуқлар негизда аввало баркамол халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртининг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани муборак.

Шу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омиллари яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан.

Бу - аввало жамиятимизда сувдек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик ва тотувлик;

Бу - ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлардир.

Бу - узоқ ва яқин кўшилари билан халқимизнинг ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир.

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай ҳолис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эъзаимиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борманамиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад - бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажақ авлодимизнинг ризиқи ва насибасига ҳиёнат қилганимиз йўқ.

Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, улардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодий таълимни ташкил этишда биз аввало узоқ ва давомли мақсад-муддаоларимизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.
Биз 1997 йилда қабул қилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимиз ҳаражатининг қарий ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамадан, биз кенг кўламли, улусвор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдамиз.

Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги кунни, равнаки ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.

Шу йилдан амалга ошира бошлаган, беш йилга мўлжалланган умум-

таълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган ишларимиз қаторига қиради.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, маилги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва сунъимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!
Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес каби балоқазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо хушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим.

Ўзбекистонимиз - она Ватанимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар қулоғига қўрғошиндай қўйиб олсин. Биз қўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни албатта қурагимиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди.

Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва хушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай ҳалло бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.

Қадрли ватандошларим!
Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўқки, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодийна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улғуғ, энг азиз байрам бўлиб қолаверади.

Мен бугун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг осирини, шаъну шавқатини ўз елкасида кўтариб келаётган, барча ютқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган захматқаш халқимизга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан кутлайман.
Эл-юртимиз омон, осмонимиз муссаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Бу кун - энг улғуғ ва энг азиз байрамимиз нишонланадиган кун.

Бу кун - Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн уч йиллик кутлуғ тўйи.

Бу кун - мамлакатимиз тарихи зарваракларига абадий муҳрланган унутилмас сана.

Бундан ўн уч йил аввал биз неча-неча аждодларимиз орзу қилган мустақилликка эришдик. Эркин ва озод тараққиёт йўлини танладик. Демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуришга бел боғладик.

Тарих мезонларидан қарайдиган бўлсак, ўн уч йил дегани бир зум, бир дақиқадек қисқа мулдат. Аммо Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат билан ўтган бу даврнинг мазмун-моҳияти, шакл-шубҳасиз, асрларга тенг.



Кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, «Ўзбекистонда тайёрланган» белгиси билан дунё бозорларини забт этаётган замонавий, рақобатбардош маҳсулотларимиз, истиқлолнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган динлимиш, пахтамиз, олтинимиз, нефть ва газимиз, бошқа кўплаб бебаҳо нематларимиз шундан далолатдир.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқ мўлжалли давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бунинг белгисидир.

Ҳаётимизнинг барча жабдаларида, одамлар қалбидида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, муруват, бағрикенглик каби фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга юксак ишончи буни тўла тасдиқлайди.

Меҳр ва муруват йилида мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб, бир-биримизга меҳр-оқибат ва муруват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз, қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатларини қайта тиклаш, ривож топтириш борасида кўплаб амалий ишлар рўббга чиқмоқда.

Йил охирида ўтказилаётган сайловлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилганлиги билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихимизда қолажақ.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга экани, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ҳаётбахш ислохотлари, яратувчанлик меҳнати, демократик ўзгаришлар йўлидаги собиққадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Бунинг тасдиғини жаҳонро нуфузимиз ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина мисол. Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилати доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, ушбу дилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодийнаси бошланаётганидан дарақ беради.

Президент Ислам Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Миллий байрамимиз тантаналарини эъландан ортиқ мамлакат аҳли бевосита томоша қилади. Интернет тармоғи орқали у жаҳоннинг энг чека нуқталарига кириб боради. Ҳа, бу кун Ўзбекистон мадҳияси дунё бўйлаб жарангамоқда - тилимизнинг гўзаллигидан, мусиқий таъбиимизнинг инқилибидан, ўзбекининг саховатидан, танитилгидан, эркесвар ва некбин табиятидан бани башарни воқиф этмоқда. Қаршимиздаги нурли паннода Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланади. Ҳумо - элу юртимиз бошига қўнган бахт қуши қанотларини ростлаб, тинч ва муссаффо Ватан осмони узра парвозга шайланаётгандек. Саҳнанинг икки четидида «1991-2004» рақамлари нур сочади.

«Ватан - ягонадир, Ватан - биттадир». Майдон узра таралаётган қўшиқнинг маъноси теран, таъсири чексиз. Уни тинглаш асосида қалбимизда миллий гурури, миллий ифтихор туйғулари жўш уради. Амфитеатр саҳнасининг икки ёнидаги йирик экранларда акс этган ёрқин лавҳалар Ватан манзаралари, мустақиллик йиллари, ҳусусан, сўнги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларимиз, турли соҳалардаги хайрли юмушларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Мустақиллик байрами арафасида турли йирик ва муҳим ҳолатларнинг жўш туйғига тўйна соҳналарда ишга туширилиши аънаънага айланган. Байрам олдидан ишга тушган еттига йирик қўша корхона наикни пойтахтимиз ёки вилоятлар марказларида, балки юртимизнинг чека худудларида барпо этилган, яъни замонавий ишлаб чиқариш саноатининг туманларга, қишлоқларга томон кенга бошлагани эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИМПИАДА: ЮТУҚ ВА ИСТИҚБОЛ



XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етди. Олимпиаданинг асл ватани - Грецияда ташкил этилган ўйинларда 69 нафар олимпиячимиз спортнинг ўн беш тури бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Спортчиларимиз орасида Олимпиада ва жаҳон спорт тарихида янги саҳифа очган йиғит-қизлар борлиги қўнчилигимизни хушнуд этди.

Хусусан, спорт гимнастикаси бўйича Барселона Олимпиадаси ғолибаси Оксана Чусовитина Олимпиадада тўрт марта қатнашган ягона спортчи сифатида рекорд натижа қайд этди. Мутахассислар Оксана Чусовитинанинг бу

жасорати Гинненининг рекордлар китобига киритилиши лозимлигини таъкидламоқда.

100 метрга югуриш баҳсларида ярим финалгача етиб келган Любовь Перепелова ҳам тарихда қолди. Ўзбекистонлик спортчиғача Осиёдан ҳеч бир аёл югуриш баҳсларида ярим финалга чиқолмаган.

Сидней Олимпиадасида терма жамоамиз қўлга киритган тўрт медалдан учтаси бокс-

чилар ҳисобига ёзилган эди. Бу гал ҳам тажрибали чарм қўлқоп устаси Уткир Хайдаров жаҳон чемпионлиги унвони ёнига олимпия бронза медалини ҳам қўшиб қўйди. Боксчи Баходир Султонов кураштан натижа мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. Осиё чемпионатида ғолиб, жаҳон чемпионатида совриндор бўлган бу 19 ёшли ўзбек ўлони энди Олимпиада бронзасига ҳам эга бўлди.

Афина Олимпиадаси эркин ва юнон-рум курашчилари учун айниқса унутилмас бўлди. Ху-



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлолмаймиз ҳам!

сусан, Ўзбекистон ҳисобига биринчи олтин медалини юнон-рум курашчиси Александр Доктуров келтирди.

Эркин курашнинг энг оғир вазнли полвонлари орасида Артур Таймазов дунёда тенгсиз эканини яна бир қарра исботлади. Жаҳон чемпиони сифатида гиламга чиққан ҳамюртимиз рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Олимпиадада олтин медал олиш барча спортчининг энг улғуғ орузисидир, - деди Артур Таймазов. - Сидней Олимпиа-

дасида финалда енгилган эдим. Бу галабами Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.

Эркин курашчиларимиздан яна бири Магомед Иброҳимов терма жамоамизга қумуш медал келтирди. Афина Олимпиадасида вакилларимиз икки олтин, бир қумуш ҳамда икки бронза, жами бешта медал жамғариб, 202 мамлакат орасида 34-ўринни эгаллади.

Спортчиларимиз тобора юксак натижаларга эришяётгани юртимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамо-

лигида спортни ривожлантиришга берилётган алоҳида эътибор самарасидир, - дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари спорт жамияти кенгаши раиси Баходир Тожиев.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси сафида Афинага келган барча спортчилар муносиб иштирок этди. Афина Олимпиадасида медалларнинг сони ҳам, сифати ҳам ошди.

Ҳа, Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳеч нарса мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайдиган деган сўзлари яна ўз исботини топди.

Олимпиада кунлари делегациямиз аъзолари, мухлислар Ватанимиз байроғини сарбаланд этганида турли миллат ва мамлакат вакиллари Ўзбекистон ҳақида сўраб-суриштирди, батафсил маълумотга эга бўлди.

Айниқса, Ўзбекистонда туғилиб ўсган, тақдир тақозоси билан яна ўзининг асл ватанига қайтган ўзбекистонлик грекларнинг юртимиз байроғини кўзга суртгани барчани тўқилантириб юборди.

Шундай қилиб, тўрт йил кутулган Афина Олимпиадаси ниҳоясига етди. Ўзбекистон спорт делегацияси она юртва ёруғ юз билан қайтди!

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА махсус муҳбири. Тошкент-Афина-Тошкент

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг қадр топиши билан бирга Ватан истиқлоли йўлида шахид кетган қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга кўрсатишга эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бугун, халқимиз истиқлол байрамини нишонлаётган кунларда бу маскан зиёратчилар билан гавжум. Бинобарин, замондошларимизнинг бугунги тинчлик ва осудаликнинг қадрига етишида, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка интилиб яшашларида бундай табарруқ қадамжоларнинг аҳамияти бекиёс.

ШАҲИДЛАР ЁДИ МАНГУ

31 август тонгида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Энг улғуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шахид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш имконини беради.

Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажақ авлодларга овоз ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учра-

шиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида кўтдан-кўп муҳим ҳаётий масалалар пайдо бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Мустабид тузум даврида зулм ва таҳовуз, қатагон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига бағишлаб мақмур ёдгорлик мажмуасини барпо этганимиз халқимизнинг дилдаги иш бўлди. Бугунги кунларга эришиши ҳақида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш доимий эзгу амалларимиздан бўлмоғи лозим. Эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини хамиша асда тутмоғимиз даркор.

(Давоми 4-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,
Мамлакатингиз мустақилликка эришганлигининг 13 йиллиги муносабати билан шахсан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига йўлаётган қутловларимни қабул қилгайсиз. Утган 13 йил мобайнида халқларимиз ўзаро яқин ва мустақам ҳамкорлик асосини яратдилар. Америка Қўшма Штатлари хавфсизлигини мустақамлаш, раванк, тараққиёт ва озолик ишида бундан буён ҳам Ўзбекистон халқи ва ҳукумати билан бирга бўлиш ниятидадир.

Терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг ўрни гоёт муҳим бўлиб қолмоқда. Биз бу йил мамлакатингизни ларзага солган портлашларни қоралаймиз. Нишонга олинган объектлар орасида бизнинг элчихонамиз ҳам бўлганлиги терроризмга қарши курашдаги муштараклигимизни тасдиқлайди.

Келажақда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш учун аввалгидек муваффақиятли баҳамжихат ҳаракатимиздан наф қура олишимизга ишонаман.
Самимий эхтиром ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,
Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами - Мустақиллик куну муносабати билан қутловларимни қабул қилгайсиз.

Давлатингиз суверенитети эълон қилинган сана келиши муносабати билан масъулият ва мураккаб лавозимингизда Сизга кўндан-кўн муваффақиятлар тилаймиз.

Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам шериклик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишонаман.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Сизни Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Давлатингиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Словакия Республикаси Евроатлантика интеграциявий тузилмаларига аъзо бўлиб киргандан кейин ҳам биз давлатларимиз ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни чуқурлаштириб бораверамиз ҳамда бу муносабатларга кўпроқ эътибор берамиз.

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига гуллаб-яшаётган давлатини барпо этишда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Сизга бўлган чуқур ҳурмат-эхтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Иван ГАШПАРОВИЧ,
Словакия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куну муносабати билан Украина халқи номидан ҳамда шахсан менинг гоёт самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Бугунги кунда Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги кенг миқёсли ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқаро ҳаётнинг ҳамма эътибор қилган ижобий омилли бўлиб қолганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ишончин қомилки, барча режалар ва ахдлашувларни амалга ошириш икки томонлама даражада ҳам, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам давлатларимиз ўртасидаги алоҳида шерикликни, реал мазмун билан бойитишга қумқлашади.

Фаровонлик сари муштарак йўлларини излашда янги истиқболлар украин ва ўзбек халқларини бирлаштираверсин.

Азиз Ислон Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан бахт-саодат, мустақам соғлиқ ҳамда давлат фаолиятингизда янги-янги зафарлар, серкуёш Ўзбекистонинг дўст халқига эса тинчлик ва раванк тилаймиз.

Камолти эхтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ



(Боши 1-бетда)
АҚШ, Германия, Туркия компаниялари билан ҳамкорликда Қашқадар вилоятида ишга туширилган «Яккабоғтекс» қўшма корхонаси йилга 3 минг тонна ип-кавала ишлаб чиқариш қувватига эга. Хоразм вилоятидаги «Шовотекс» қўшма корхонаси бир йилда 3,36 миллион дона трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Шарк модел» қўшма корхонаси 6 миллион дона трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Шарк модел» қўшма корхонасининг йиллик қуввати 7,2 миллион дона, «Сағботекстиль» қўшма корхонасиники эса 1,8 миллион дона трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодий ётнинг кон томири - темир йўл тармоқларини кенгайтириш, коммуналчи соҳасига илгор технологияларни жорий этиш борасида ҳам гоёт салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Амударё узра поезд ва автомобиллар катнайидган йирик кўприк бунёд этилди. Ҳозир 681 метрлик ушбу кўприкдан хар қуни ўнлаб поездлар, минглаб автомобиллар ўтиб турибди. Август ойида «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» йўналишидаги темир йўлнинг дастлабки наватига ишга туширилиши тўғрисида арзонлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ушбу транспорт тармоғининг халқ ҳўжалигидаги ўрни янада юксалди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ислохотлар изчил бормоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 100 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, экин майдонларининг ярмига яқини уларнинг ихтиёрида. Фермер ҳўжалиқларида 713 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундай ҳўжалиқларнинг пахта этиштиришдаги қулочи қариб 40 фоизга, галачилиқда эса 42 фоизга етди...

Карнай-сурнай, доира садолари янграйди. Карвон қўнғирогининг майин оҳанги, чанқовуз садоси, най навоси бир-бири билан ўрин алмашади. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий улкамиз санъатининг турфа қирралари намоев бўлади.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёв маънавий ва маърифий меросимизни, миллий кадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш баробарида, шавқатли ота-боболаримизнинг номини ёд, руҳини шод, хотирасини обод этиш ҳам мустақиллик берган эзгу имкониятлардандир.

Жорий йилда ҳукуратимиз қарорига мувофиқ буюк сиймоларимиздан бири Ҳожа Аҳрор Валининг 600 йиллик тўйи кенг нишонланади.

Нурли паннода қадимий обидаларимиз, табарруқ қадимжоларимиз, истиқлол йўлида жонини фидо этган буюк миллатдошларимиз сиймолари акс этди. Номини унутлабган улғ аждодларимиз тарихи фақат истиқлол шарофати ила тикланди, қадр топди. Ота-бобосини, ўзининг азизларини унутмаган элдан барака кўтарилмайди. Шу маънода, Вазира Маҳкамасининг «Шохи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори халқимиз дилидаги гап бўлди. Зеро, бундай масканларни обод этиш аждодлар ва авлодлар олдида ҳам қарз, ҳам фарздор...

Мумтоз қўшиқлардан шўх лапарлар, айтишувларга гал етди. Турфа оҳанглари, хилма-хил либослар, дилтортар куй-қўшиқлар тимилолида мамлакатимизнинг ранг-баранг санъати бор сеҳр-синоати, меҳр-таровати билан дилларни яйратадди, кўзларини қувнатади.

Саҳнада юз-кўзидан меҳр ва шукроналик балкиб турган Она намоев бўлади. У «Элим деб, юртим деб яшагин, болам», дея ўз нуридийдалари - Истиқлол фарзандларини алғин қайди.

Мустақиллигимизни мустақамлаш, амалга ошираётган ҳаётбахш ислохотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва кадриятларимизни ривожлантириш

римишни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг қулочи тобора ортиб бораёпти. Оилада тинчлик ва оссийишталлик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишларини сабр-тоқат билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиликларни жараёнида юртимиз аёлларининг алоҳида ўрни ва мавқеи бор. Президентиимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш

давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг жорий этилмоқда. Дастур қамраб оладиган беш йиллик муддат давомида мавжуд жами 9727 мактабнинг 8476 тасида эски мактаб бинаolari ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган юмушлар, аслида, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли хайрли ишларимизнинг таркибий қисмидир. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-



борасидаги қўшима чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ва Вазира Маҳкамасининг шу Фармон ижросини таъминлаш ўзасидан қабул қилган қарори хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва химоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантиришга қаратилган.

Даврага болалар қиқиб келадилар... Фарзандларимизни етуқ инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсаини аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгилангани ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш

донида қўяётган, ҳажон жамоатчилигини хайратда қолдираётган қадимларимизда ҳам намоев бўлмоқда. 24 ёшида шахмат бўйича ҳажон чемпиони тожини қийиб, ўз билими ва иқтидори билан башариётни лол қолдирган, миллатимизнинг довуғини яна бир бор дунёга ёйган ҳажонимиз Рустам Қосимжоновнинг мислсиз галабаси бундай тасдиқлаб турибди.

Бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатини дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига эътиборининг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узққни қўллаб амалга оширилаётган улкан ишларимиз мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилётгани шубҳасиздир. Умидли ёшлар - ҳажон спорт майдонларида Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова, Миржалол Қосимов, Дилшод Мансуров, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби спортимиз юлдузларини билан хар қанча фахрлансак арзийди.

Спортчилар ёш авлодини жисмонан ва маънан баалоғат сари элтувчи «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ва «Универсиада» мусобақаларининг туб мазмун-моҳиятини бадий ташкил этишга иштирокчилар. Яна бир неча кундан кейин Самарқандда бошланажак «Универсиада-2004» мусобақалари очилишида ёқилдиган машъабола олов кўтариб Паркент-Самарқанд оралиғидаги 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтаётган навирон спортчиларимиз тимиоллари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Афинада ўтган Олимпиадада Ўзбекистон шарафини юксалтиришда жасорат кўрсатган ватандошларимиз саҳнага кўтарилдилар. Икки юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда олтин медалга совриндор бўлган чемпионоларимиз - Александр Доктуровили ва Артур Таймазов, кумуш медалга соҳиблари - Магомед Иброҳимов, бронза медалга совриндорлари - Баҳодир Султонов ҳамда Уткирбек Ҳайдаровни, ушбу гоёт нуфузли спорт мусобақаларида қатнашган бошқа олимпиадачиларимизни байрам ахли олқилайдилар.

Кувнок ва сергайрат ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўх-хандон рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч ўйотади. Мустақил Ватаниннг навирон фарзандлари, иқтидорли ёшлар - халқаро олимпиада ва халқаро мусобақаларда голиблар байрам иштирокчиларига эхтиром кўрсатадилар.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган қуч-қудратимиз, салохиятимиз дунё спорт майдонларида ва маънан баалоғат сари элтувчи «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ва «Универсиада» мусобақаларининг туб мазмун-моҳиятини бадий ташкил этишга иштирокчилар. Яна бир неча кундан кейин Самарқандда бошланажак «Универсиада-2004» мусобақалари очилишида ёқилдиган машъабола олов кўтариб Паркент-Самарқанд оралиғидаги 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтаётган навирон спортчиларимиз тимиоллари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ахиб оқшомнинг ана шундай шукўли лаҳзаларида бамисоли қалбимизга сиймай гузираётган қувоч ва шодлик туғёнларидек ранго-ранг мушаклар порлайди. Қўкка оловли хайратлар сочган мушакларда, тизгинсиз туйғулор қалққан юракларда, севиин ёғдуларни порлаган қароқларда бир тилак юлдуздак жилваланади.

Истиқлолнинг муборак бўлини, она халқим, жонажон Ватаним!

Фулом МИРЗО,
Ўза шарҳловчиси



I. ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИҚДА, ҲАМЖИҲАТЛИҚДА

Энг улғу, энг азиз байрам - Мустақиллиқнинг 13 йиллигини нишонлаёмиз. Истиқлол шукўлидан баҳраманд хар бир одамнинг қалби бундай пайтда чексиз гурур, фахр-ифтихор туйғуларига тўланади. Бейтибар кечани кун, босиб ўтилган йўл, машаққатли меҳнат заҳматлар, қувончу ташвишлар ёлға келади. Дарҳақиқат, бугунги совадлати дамларга етми осон бўлди-ми? Ахир бундан ўн уч йил олдин Ватанимиз тарихида туб бурилиш даврида бутунлай бошқача манзара, бошқача мазмун, ўзгача моҳият ҳукмор эмасми? Узаро дўстлик, ҳамкорлик, ягона Ватан туйғуси ниятларимизни бирлаштиргани боис тарихан қиска даврда асрга тенг келадиган мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтдик.

Мустақиллигимизнинг бетимсиз имкониятларини аввалбор кўпмиллатли ишчи-хизматчиларимизнинг севишли маскани бўлиши «Ўзбекистон металлургия комбинати»да ҳукм сураётган Узаро дўстлик ва ҳамкорликда, кундан кунга обод, гўзал бўлиб бораётган металлургия шахри Бекободда барпо этилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишларида қўришиши мумкин. Бундан ташқари, корхонаимизнинг нафақат юртимизда, балки хорижий ҳамкорлар ўртасида обрў-эътибори ошиб бораётгани ҳам Истиқлол шарофатидандир.

Мисли қўрилмаган бундай ўзгаришлар ҳеч шубҳасиз 13 йил аввал буюрнинг ҳавлига ва ақлига сиймасди, десак муболага бўлмайди.

Мамлакатимиз эришаётган залворли ютуқларда, мустақил юртимиз иқтисодийтини ривожлантиришда ва саноят тараққиётида жамоатимизнинг ўз ўрни борлигидан қувонамиз. Бу йил комбинатимиз ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонладик. Мартен цехи-

га қуч-қувват ато этадилар.

Корхонаимизда меҳнати билан республикага танилган фидойилар кўпчилики ташкил этади. Электрда пўлат эритиш цехи оператори Абдураҳмон Абдуразоқов ана шундай меҳнатдан бахт толиб, элга танилганлардан. Президентиимиз Фармони билан ўтган йили у Мустақилликни мустақамлаш, унинг жажон миқёсидаги шон-шўхрати ва обрў-эътиборини юксалтириш, ислохотларни амалга оширишдаги улкан хизматлари ҳамда узққ йиллик қаҳрамонона меҳнати учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Бу юксак мукофот бекободлик металлургия меҳнатига ҳукуратимизнинг эхтирми ва

хурияти рамзидир.

Шунингдек, ўнлаб ўз касбининг усталари комбинатимизнинг 60 йиллик тўйи арафасида давлатимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлишлар. Улар сафида пўлат эритувчи Алим Тўйчиев, мартен цехи устаси Баҳодир Мадалиев каби ўнлаб фидойилар бор. Мустақиллик корхонамиз учун юксалиш, тараққиёт, узини намоев этиш даври бўлди. Мамлакатимиз ва хориж бозорига металлургия ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз мавқеини мустақамлаб импорт ўрнини босадиган махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, электрда пўлат эритиш комплексининг реконструкция қилиш ва комбинатини техник жиҳатдан қуролантириш ютуқлар гарови

лаш цехи ташкил этилди. Бундан ташқари, трансформатор - ёғ ҳўжалиги, ишчилар учун олтига коттеж ва тузар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1996 йилда муҳандислик марказининг ташкил этилиши ютуқлар гарови бўлди, махсулот сифати ва салмоғи ортди. «ПП-36» даврий профели ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қувончли томони шундаки, корхонада телестудия иш бошлади.

«Металлургия» футбол жамоатининг олий лигага чиқishi 1997 йилда ютуқларини бошлаб келди. Корхонадаги ҳам ашў ҳисобига метиз махсулотлари, пайвандлаш ва эритиб қалайланадиган симлар десак чиқариш йўлга қўйилди. Иссиқлик дош берадиган прокат махсулотлари ишлаб чиқарилиши эса корхонанинг иқтисодий қувватини ошириб, шу пайтгача четдан олиб келинаётган махсулотга бўлган талабни қанаотлантирди. 1998 йил қурилиш ва ободонлаштириш йили бўлди десак муболага бўлмас. Сирдарёнинг ўнг соҳили ободонлаштирилиб, ишчиларнинг севишли масканига айлантирилди. 2617 кв.м тураржой биналари барпо этилди. Шунингдек, 100 м ҳамми пўлат соқалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Икром ҚУРБОНОВ,
Бекободнинг «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Демократик ҳуқуқий давлат сари

ХУСУСИЙ МУЛК манфаатлари қонун ҳимоясида

Мустақиллик йилларида Асосий Қомусимиз замирида эркин фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган мустақам асос яратилди. Уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши қай даражада бораётганлигини назорат қилиш, машҳур беш тамойилнинг таркибий қисми бўлиши қонун устуворлигини таъминлашга ҳам масъулиятли вазифа юқлади. Шундан келиб чиққан ҳолда аниқ тадбирлар асосида изчил фаолият юритишга ҳаракат қилинмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор, қонунга суянган қоқилмайди каби жумларлар ҳўжяларда ўтказилаётган учрашувлар, савол-жавобларда бот-бот тилга олинади. Чинданам, ўтган йиллар ичида одамлар онги-шуурида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мулк эгалари ўзларига яратилган имтиёزلардан умумли фойдаланган ҳолда улғ ишларини рўёбга чиқаришмоқда.

Бирок таҳлил шуни кўрсатадики, баъзи иш борувлар, мутасадди раҳбарлар «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритиб қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Масала қўнданлар қўйилганда улар хато қилганликларини тан олиб, камчиликларни тузатишга тўшшади. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2004 йилнинг олти ойи давомида шахар ва туман

ган. Текшириш давомида ушбу гувоҳнома Вазира Маҳкамасининг тегишли қарори талабларига зид бўлганлиги сабабли бекор қилинди. Баъзи кишилар ўзлари билган ҳолда қонунбузилишларга йўл қўйишади. Бунинг натижасида қимларнинг овороқи сарсон бўлди, хайрли ишнини тўхта-тишга ёки ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келади. Мана бу мисол фикримиз далилидир. Тўртқул туман ҳокими-нинг 952-сонли қарорига асосан «Уллубо» ширкат ҳўжалиги ҳудудида «Кичик Уллубо» фермер ҳўжалиги ташкил қилиниб, унга 53 гектар ер майдони ажратиб берилган. Кейинчилик маълум бўлдики, ушбу фермер ҳўжаларини тузишда, ҳўжаларини расийлаштириш ва тасдиқлашда қатор камчиликлар ва қўзбуямачилиқларга йўл қўйилган.

Республикамизда тадбиркорликка кенг йўл берилган. Қўли гул, ташкилотчи, танлаган соҳасини яхши билидиган кишилар истеъмол бозорини тўлдиршга муносиб улғу қўшишмоқда. Улар манфаати қонун ҳимоясида. Бу хайрли ишга соҳамиз ҳодимлари ҳам озми-кўпми ҳисса қўшаётганлигидан гоёт мамнунимиз. Зеро, қаерда қонун устувор бўлса, адолат қарор топади, улғувор режалар бирин-кетин рўёбга чиқаверади.

Беруний туман ҳокими-нинг қарорига асосан «Егамбердиев Оқтам» фирмасига улғуржи савдои амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилди.

Т.НУРМЕТОВ,
III даражали юрист

Ойдин ХОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

ОЗОДЛИК СЕВИНЧИ

Хар байрамнинг ўз хосияти, шодлик-
лари бор. Наврўзи олам бахор, қўлмайди
яшариши қалбимизга олиб киради. Му-
стақиллик байрамида эса ҳар йили янги-
дан юксалгандай, юракларимиз кенгай-
гандай, қудратимиз яшаргандай бўлаве-
ради.

яшнатади, опажон, — дейди у.
Раёнхоннинг сузларини рўпурдамда
сўзимизни тинглаётган она-сингиллари-
мизнинг ҳар бири такрорлаётганга
ўхшайверади.

Чустнинг катта истироҳат боғида Му-
стақиллик байрамига бағишланган байрам
тадбирлари даярли ҳар куни бўлар экан.
Одамлар болалари, невараларини эрга-
штириб, Чустнинг хушхаво боғларини ай-
ланишиб, табарруқ жойларни зиёрат
қилиб, Чуст тумани музей-ҳонасига ки-
риб, туман тарихдан хабардор қилишар
экан. Болажонлар минг турфа ўйлар,
қизиқчиликлар, ҳар хил ақлни чархловчи
мусобакаларни қўриб, қатнашар ота-она-
лари эса дам олиб қайтишар экан. Попа-
да эса Истиқлол байрами шарафига «Ма-
ҳалламнинг бир кун» деган аjoyиб тад-
бирлар кетма-кет ўтказилаётган экан. Бу
ўлканинг ҳар бир ёшида, кексада, бир
истеъдод, Худо берган фаройиб салоҳият
борлигини қўриб ҳайратга тушасан. По-
пнинг катта боғида бир-биридан бийрон,
истеъдодли, ёш йигит-қизларнинг чи-
қишлари, дизайнерлари, санъаткорлар,
ҳуқуқшунослар, ҳажвчилар, спортчилар,
ғўзал келинчақлар, аjoyиб қайночалар,

хуллас, ўзбек маҳалласи
ҳаётининг аjoyиб панора-
масини чизиб бергандай
муҳлисларни мафтун қилар-
ди. Тадбирдаги самимиёт,
ўзбек маҳалласининг ғўзал миллий ка-
дретлари, халқимизнинг меҳмоннавозли-
ги, донишмандлиги — барчаси кўзга акс
этгандай кишини тўлқинлантиради. Бу-
ндай эъгу тадбирлар, айниқса, ёшлари-
миз учун Ватан муҳаббатига, фуқаролик
садоқатига, она юртига хизмат қилишда
ҳам яхшигина мактаб бўла олади. Узига
ишончини мустаҳкамлайди.

Қизилтепада бўлганимизда бир воқе-
ани сўзлаб беришди. Қўнча Бўстон қўр-
ғонини неча йиллардан бери гишт заводи
хомашё сифатида ишлатиб, тупроғини қоз-
иб олаётган экан. Бу ноёб ёдгорликдан
бир парчагина қолган экан, ана шу
парчани сақлаб қолиш учун муаллима
Дилором Мақсудова ўқувчиларини олиб
қиб, гишт заводини сўнгги қадамидан
тўхтатибди. Бу ўз юртининг тарихини сев-
ган, ардоқлаган, Мустақиллик одамлари-
нинг, овоз фидоли инсоннинг жасорати
деса, бўлади.

Нурота туманига боғанимизда бизни
Санобар Ориқова деган табдиркорнинг
хонадонига бошлашди. Санобархоннинг
хонадон авжи қўлдамнинг лозорлари
ловуллаб ётган чаманзорга ўшарди. Ай-
вонда, кенг хоналарда аёллар, келинчақ-
лар, қизалоқлар турли нақиддаги сўзана-
лар, палаклар тижатган эканлар. Санобар
Тошкентдаги бир табдиркор билан шарт-
нома тузиб, хомашё олиб, кашталарга ну-
схалар олиб, маҳалла қизларига тиктириб,
тайёр маҳсулотни эгасига элтиб, каштачи-
лик ишини йўлга қўйибди. 50 чоғли хот-
ин-қизлар иш билан таъминланган. Иш
бор жойда эса ҳар бир уйга даромад ки-
ради. Уйга даромад кирган кунни қозони-
да мой қайнайди, кўнгли тўқ бўлади, оила
фаровон бўлади. Аёл табииотидаги табдир-
корлик туйғуси оилани мустаҳкамлайди.
Оила мустаҳкам бўлса, болалар меҳрли,
соғлом ва фазлу ҳунар ўрганиб ул-
гайишади. Келажакка ишонч бўлади бу-
ндай оилаларда. Демак, меҳнатдан одам-
нинг юрагида қатъи ишонч пайдо бўлади.
Юрагида ишончи бўлганнинг кўнгли ос-
мондай кенг бўлади.

Бундай табдиркорлар ўзининг ёруғ
йўлини топиб, халқнинг залворли қадам-
ларига мос қадам ташлаётган мустақил
Ватанимизни бой ва қудратли қилишга
ўзининг катта ҳиссасини қўшаётган опа-
сингилларимиз ҳар биттаси Ватан деган
юрракка тутшиб турган чирокларга ўх-
шайди. Ана шу чироклар нури билан Ватан
обод, ҳаётимиз файзлироқ, келажакимиз
ишончлироқ бўлади. Энг улуг, энг азия-
байрамимиз кунларида барча опа-сингил-
ларимизни, ватандошларимизни чин дил-
дан қутлайман. Кўнгидаги нур билан Ва-
таниннинг жўшқин ва долғали ҳаётига шид-
дат, мавж бўлиб қўшилишларини иста-
ман.

Йўлларингиз кенгайверсин. Дунёнинг
йўлларига интилган инсон ҳаммиса ўз хал-
қининг буюк элчиси бўлади. Ана шундай
улуг мартаба ҳар биримизга насиб этсин.

Ҳаётимизни авиациясиз тасаввур этиб бўлмайди.
Зеро, ҳаво кемалари орқали дунёнинг ҳилдаган нукта-
сига қиска вақтда етиб олиш мумкин. Албатта, бунда
замонавий самолётларни бошқарувчи ўқувчилар ва тех-
ник ходимлар малакасига кўп нарса боғлиқ. Марказий
Осиёда ягона ҳисобланмиш Тошкент Давлат авиация
институтини мана неча йилдирки, миллий авиаконпаня
тизимларига малакали кадрлар етказиб берапти. Ҳўчи,
ҳозирги кунда ушбу билим масканида қандай ишлар
амалга ошириляпти?
Бу каби саволларга жавоб топиш максалида институт
профессори Зайниддин ҒУЛОМОВГА мураккаб этдик.

- Мустақил Ўзбекистони-
мизнинг 13 йиллик тўйи ин-
ститутимиз жамоаси томони-
дан ҳам зўр қўтаринолик ила
қўлиб оляпти. Чўки шу та-
рихан қиска муддат ичда мам-
лакатимизда эришилган улкан
муваффақиятлар қаторида
Марказий Осиёда ягона булган
нуфузли олий ўқув юртининг
ташкил топиши ва ривожла-
ниб бориши юртимизда авиа-
циянинг ҳар томонлама юкс-
алишига хизмат қилиб келяпти.
Дарвоқе, 1995 йилда
Президентимиз Фармони бил-
ан ташкил этилган институ-
тимиз келгуси йил ўзининг 10
йиллигини нишоналайди. Ушбу
сана арафасида жамоамиз то-
монидан бажарилган ишлар-
га назар ташлар эканмиз,
Ўзбекистон авиациясининг
ҳар миқёсдада муносиб
ўрин эгаллашида камтарин
ҳиссамиз борлигидан беҳити-
ёр қувонасан киши.

- Мазлумки, юкори ма-
лакали авиация мутаха-
ссисларини тайёрлаш го-
мураккаб ва ўта масъу-
лиятли вазифа...
- Давр мазкур соҳа мута-
хассисларидан нафақат юксак
таъин билимларга эга бўлиш-
ни, балки уларни доимий ра-
вишда бойитиш боришини
ҳам тақозо этади. Институти-
миз жамоаси «Таълим тўғриси-
да» Қўнун ҳамда Кадрлар тай-
ёрлаш Миллий дастурини
амалга ошира бориб, ҳозир-
ги замон талабларига тўла жа-
воб бера оладиган юкори ма-
лакали мутахассислар тай-
ёрлашда ўта муҳим вазифани
уддасидан чиқяпти.

Талабаларимизни имкон
қадар ривожланган хоржий
мамлакатлар авиацияси ютқ-
лари билан таништиришга
ҳаракат қиляпмиз. Бу борада
интернет, масофадан ўқитиш,
халқаро илмий-амалий анжу-
манлар ҳамда чет элларда ма-
лака ошириш каби омиллар
қўл келимоқда. Шунингдек, ин-
ститутимизда талабаларга са-
боқ бераётган профессор-
ўқитувчиларнинг илмий-пед-
агогик, маънавий ва маърифий



Давлат ҳиссасдорлик жамияти
билан бир қаторда замонавий
ўчиш аппаратлари хизматини
ташқил этувчи «Ўзбекистон ҳаво
йўллари» миллий авиаконпани-
ясига ҳам эгамиз. Институти-
мизда иккита махсус факульт-
ет бор. Авиаконот факульте-
тидан етишиб чиқаётган йигит-
қизларимиз «ТАПОИЧ» ДХЖ ва
«Ўзбекиконот» ИИЧБ корхона-
ларида, фуқаро авиацияси фа-

ҲАВО ЛОЧИНЛАРИ

ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

салоҳиятини юксалтириш,
уларнинг касбий малакалари-
ни ошириб бориш ҳамда наз-
арий ўқув машғулотларини ам-
алиёт билан боғлашга катта
эътибор қаратилган.

Таълим сифатини ошириш-
нинг муҳим омилларидан яна
бири — хоржий мамлакатлар-
даги турдош олий ўқув юртал-
ри билан ҳамкорликни йўлга
қўйиш ҳисобланади. Айни вақт-
да бу борада муайян ишлар
олиб бориляпти. Хусусан,
Санкт-Петербурги фуқаро авиа-
ция академияси, Москва авиа-
ция институти каби қатор ўқув
марказлари билан ҳамкорлик
ришталарини ўрнатил харак-
тазилади.

- Ҳозирги кунда инсти-
тутда қандай мутахассис-
ликлар бўйича кадрлар тай-
ёрланмоқда?
- Ўзбекистон жаҳонда кам
ўрайдиган, бир вақтнинг ўзи-
да ҳам замонавий ўчиш аппа-
ратларини ишлаб чиқарувчи,
ҳам улардан халқ ҳўжалигида
фойдаланишни ташқил эта
олувчи давлатлар қаторига ки-
ради. Яъни, биз самолётлар
ишлаб чиқарувчи «ТАПОИЧ»

тунинг самолётсозлик фа-
культетини битириб, Тошк-
ент авиация заводи ҳамда
«Бойконур» космосдониди
ишлайдиган. Отам Тохир Ғуло-
мов, амакани Зўриддин Ғуло-
мов иккинчи жаҳон уруши
йилларида Тошкент авиация
заводида ишлаган. Шунинг-
дек, катта оила аъзолари
Зайниддин, Жасур, Эркин,
Ғийёс ва Шавақт Ғуломовлар
ҳам тажрибали авиация хо-
димлари сифатида тилга оли-
нишади. Буларнинг ҳаммаси
истиқлол шарафати туғайли-
ди! Фарзандларини ҳам
авиацияга жўда қизиқишади.
Ўғли Завфар Германияда
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиаконпанясининг
Франкфурт ваколатхонаси
бошлигининг биринчи ўрин-
босари лавозимда ишлаяпти.
Қизим Ғузълдан ва келин-
ини Малиханом илмий изла-
нишлар олиб боришмоқда.
Кенжа қизим Гўлчехрамон эса
синовлардан муваффақиятли
ўтиб, институтининг менеж-
мент мутахассислиги бўйича
магистратурага ўқишга кирди.
Умуман, авлодимиздан 15
нафардан ортиқ киши соҳа-
да ўқиб ишлаётганини
ҳисобга олганда, муайян ша-
жара шаклланганлигини
қўриш мумкин.

Истиқлол берган имкон



культетининг битирувчилари
эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиаконпаняси тар-
моқларида фаолият қўрсатмоқ-
да. Бундан ташқари, бизда
авиация корхоналарини бош-
қаришни ташқил этувчи таш-
килот ва маркетинг мутахассис-
лари ҳам тайёрланапти. Олий-
гоҳдан йилга 300-350 нафар
битирувчилар учирма қилина-
пти.

- Айтиш керакки, мутахассис-
ларимизга бўлган талба тобора
ортиб бораётир. «ТАПОИЧ»
ДХЖ ўз махсуслотларига хор-
жий мамлакатлардан келаят-
ган биортимларни ҳисобга ол-
ган ҳолда ҳар йили 200-250
нафар битирувчиларимизни
ишга таклиф этмоқда. Мамла-
катимиз авиация тизимини му-
тахассислар билан тўлиқ таъ-
минлаш масаласи янги имко-
ниятларни излаб топишни та-
қозо этмоқда. Мақсадга эри-
шишда институтида ташқил
этилган қайта тайёрлаш ва ма-
лака ошириш курслари қўл ке-
ляпти.

Мамуният билан яна шуни
қайд этишни истардимки, ин-
ститутиимизнинг собиқ талаба-

- Ҳозирги кунда мутахассис-
ликлар бўйича кадрлар тай-
ёрланмоқда?
- Ўзбекистон жаҳонда кам
ўрайдиган, бир вақтнинг ўзи-
да ҳам замонавий ўчиш аппа-
ратларини ишлаб чиқарувчи,
ҳам улардан халқ ҳўжалигида
фойдаланишни ташқил эта
олувчи давлатлар қаторига ки-
ради. Яъни, биз самолётлар
ишлаб чиқарувчи «ТАПОИЧ»

- Айтиш керакки, мутахассис-
ларимизга бўлган талба тобора
ортиб бораётир. «ТАПОИЧ»
ДХЖ ўз махсуслотларига хор-
жий мамлакатлардан келаят-
ган биортимларни ҳисобга ол-
ган ҳолда ҳар йили 200-250
нафар битирувчиларимизни
ишга таклиф этмоқда. Мамла-
катимиз авиация тизимини му-
тахассислар билан тўлиқ таъ-
минлаш масаласи янги имко-
ниятларни излаб топишни та-
қозо этмоқда. Мақсадга эри-
шишда институтида ташқил
этилган қайта тайёрлаш ва ма-
лака ошириш курслари қўл ке-
ляпти.

Мамуният билан яна шуни
қайд этишни истардимки, ин-
ститутиимизнинг собиқ талаба-

- Ҳозирги кунда мутахассис-
ликлар бўйича кадрлар тай-
ёрланмоқда?
- Ўзбекистон жаҳонда кам
ўрайдиган, бир вақтнинг ўзи-
да ҳам замонавий ўчиш аппа-
ратларини ишлаб чиқарувчи,
ҳам улардан халқ ҳўжалигида
фойдаланишни ташқил эта
олувчи давлатлар қаторига ки-
ради. Яъни, биз самолётлар
ишлаб чиқарувчи «ТАПОИЧ»

Сўхбатдош:
Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

ХўНАРИ БОР ХОР ЭДИ

мадчилиқда айбала, мол-мулк-
ни мусодара қилганлигини
кейинчалик билдим.
Молия амалдорининг таъ-
киб-таъзияли, ҳунармандларнинг
бошига битган «бало» бўлди.
Жоме масжиди рўпарасидаги
тирикчиликка яраб турган жума
бозори хувиллаб қолди.
Оқибатда қўлга игна кириб,
игна чиқадиган дўппида эса,
чеварлар, босқон тўпузидан юз-
қўзлари қорайган темирчио дун-
дорларнинг бозори касод
бўлиб, ҳафталаб қозонлари қай-
намади.

растаси гурулалаб ишляпми.
Пештахталар ортида темирчи-
лар қўчасидаги ҳунармандлар-
нинг авлодлари — мулкдорлар
савлат тўқиб ўтирибди. Улар то-
монидан ишлаб чиқарилаётган
халқ истеъмол моллари раста-
ларда қўз-қўз бўляпти.
Айни кунларда Андижон ви-
лоятда 11 мингдан зиёд ки-
чик ва ўрта қоралли эгалари фа-
олият юртимолқлар. Ўзбеки-
стон Республикаси Президентини
ўзбекистон савдо-саноат
палатасини ташқил этиш тўғри-
сидаги Фармони табдиркорлик-
ни ривожлантириш, хусусий
секторнинг мамлакатимиз иқти-
содий ҳаётидаги ахамиятини
янада кучайтиришда муҳим
қадам бўлди. Ушбу Фармонга
асосан вилоят товар ишлаб чи-
қарувчилар ва табдиркорлар па-
латаси бундан бевар саъдо-сан-
оат палатаси мақоми билан иш
олиб бормоқда.
Палата ёрдами билан «Энг
яхши табдиркор», «Энг яхши
фермер» номиницялари бўйича
қуриқ-танловлар мунтазам
ўтказиб боришмоқда. Хусусан,

исдан жамoa, табдиркорларнинг
республикада қуриғида 1-уринни
эгаллаб, Президент совринни
олишга мушарраф бўлди.
«Мустақиллик» фермер ҳўжа-
лиги Андижон туманидаги Ер-
боши қишлоғида иш олиб бо-
ради. Ҳабибулло Маҳсумов
ҳўжалик мулкдори. У шаролар
даврида бир парча ерга зор
бўлиб яшади. Токмоқча олиш
учун амалдорларнинг мар-
ҳаматини қўлиб, қабулхоналар
остоналарида ойлаб сарғайди.
Истиқлол туғайли Ҳабибулло-
нинг омади чоғи. Ҳозирда 84
гектар ерга эгаллик қилмоқда.
Ихтиёрида ҳайдов трактори,
қўчаларк енгил ва юк машина-
си бор. Қўрасида 67 бош қор-
мол бойлоглик, Биргина 2002
йили ишлаб чиқаришдан 36
миллион сўм сўм даромадини
қўлга киритди.
Фермер хайру саховатда ҳам
ўрнат. Қишлоқ мактаби, маҳал-
ла гузары, йўл-қўприқлар
қуришдек ободончилик юмуш-
ларига у доим бош-қош. Қам
таъминланган оилалар, мурув-
ват уйларидаги болаларнинг бо-

Бир Фармон шарафати

АЁЛ САОДАТИ

Республика Президентининг «Ўзбекистон хотин-
қизлар кўнитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бо-
расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги
Фармонда оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёл-
лар ва ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини
мустаҳкамлаш, оила тиббий маданиятини ошириш
муҳим вазифа қилиб қўйилган.



хатар оналик — баркамол
авлод омили» маърузалар
тиглайдилар.

Меҳнатқаш, қадоққўл
ва фидойи, Оролбўйи та-
биати қўйинчиликларига
мардона дош бериб кел-
лаётган қорақалпоқ
аёлининг кадр-қиммати
бекиёс. Шундай экан,
қалб қўри, меҳр зиёсини
бола тарбияси учун ба-
хшида эътибор оналар-
нинг қайфияти, руҳий
холати қай ахволда?
Орол минтақасида
юзга келган экологик
ҳолога ва атмосфера ҳаво-
сининг бўлганиши она-
лар соғлиги, улардан ду-
нега келаятган фарзанд-
лар тақдири тўғрисида
янада кўпроқ ўйлашни
тақозо этади. Бу ҳақча
айтганда, туғиш ёшидаги
аёлларнинг камқонлик,
экстрагенитал касаллик-
ларга чалиниши она-бола
соғлигини муҳофазалаш
бўйича шохилинч чора-
лар қўришни талаб қила-
ди.

Бутун мамлакатимизда
бўлгани каби Оролбўйи-
да ҳам Жаҳон соғлиқни
сақлаш ташқилотининг
«Бехатар оналик» дасту-
ри жорий этиляпти. Туман
шифохоналари ва
туғруқхоналарда хомила-
лар ва зурриёв ёшидаги
аёлларни даволлаш, фар-
зандининг соғлом туғи-
лиши тўғрисида алоҳида
ғамхўрлик қўрсатилаяпти.
«Бехатар оналик» дасту-
рининг ахамияти шун-
даки, кўзи ёриши пайти-
да яқин кишиси ёнида
бўлади. Бу эса аёлга
бардамлик, руҳий қувват
бағишлайди. Бола туғи-
лиши билан онанинг
усқуналари келтирилди.

Хотин-қизларни ижтимоий
жиҳатдан қўллаб-қувватлаш,
касбий, жисмоний, маънавий
ва интеллектuali салoҳиятини
янада юксалтиришга эъти-
бор оширилган. Туман
ҳоқими, унинг ўринбосар-
лари, қорона, ташқилот,
муассаса раҳбарлари,
оқсоқоллардан иборат
гурӯх барча овул ва ма-
ҳаллаларда бўлиб, Пре-
зидент Фармони, Вазир-
дан Маҳкамасининг қаро-
ри ва ишлаб чиқилган да-
стур ҳақида тушунтириш-
лар олиб боришди. Фу-
қаролар йиғинлари томо-
нидан болали аёлларга
туланидан нафақалар-
нинг тарқатилиши пухта
ўрганилиб, мавжуд кам-
чиликларни бартафар
этиш табдирлари белги-
ланди. Аҳолига тиббий,
маданий-маиший хизмат
қўрсатиш ташқилотлари
фаолияти чуқур таҳлил
қилинди.

Аёл, оила, фарзанд
манфати ҳаммиса устувор.
Шу боис Қоракөлпоқ ди-
ёрида хотин-қизларнинг
давлат ва жамият қури-
лишидаги фаолигини оши-
риш, соғлом авлодини
шакллантиришдаги масъ-
улиятини кучайтириш асо-
сий вазифага айланган.

Турғуқ мажмуасида
«Оналар мактаби» ташқил
этилиб, машғулотларда
300 дан зиёд аёл катнаш-
ди. Улар «Она сутининг
мўъжизаси», «Оила тиббий
маданияти», «Туғруқлар
орасидаги масофани
мўътадиллаштириш», «Бе-

С. МАМУТОВА,
Кегейли туман хотин-
қизлар кўнитаси
раиси

